

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БУЙРУҒИ

370 Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро ва экспериментал авиацияси аэродромларини давлат рўйхатидан ўтказиш авиация қоидаларини (ЎзР АҚ-157) тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил
1 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1240-1*

(2012 йил 11 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сон «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 29-сон, 327-модда) мувофиқ **буйруман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2003 йил 14 апрелдаги 50-сон «Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаро ва экспериментал авиация аэродромларини

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

370, 373-моддалар

— 64 —

31 (531)-сон

давлат рўйхатидан ўтказиш (ЎзР АҚ-157) авиация қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1240, 2003 йил 29 апрель) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 7-8-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бошлиқ

Т. ЎЛЖАЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 24 июль,
3 н-сон